

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 у. «1» 6

2022-95-7-99-OB-son

Nurodod sh.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Нуробод тумани хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси номидан Х.Примов бир томондан ва бундан буён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “Nurobod Sam Invest Qurilish” МЧЖ номидан Б.Мингбаев ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:

Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	27.05.2022 йилда берилган №89791 лотга асосан Ағрон МФЙ ИЧКИ КУЧАСИГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОҒИ ЎРНАТИШ	194 000 000
	Жами:	194 000 000

1.1. Шартноманинг умумий суммаси ККС билан 194 000 000 (Бир юз тўқсон тўрт миллион) сўмни ташқил қилади

1.2. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: «31» май 2022 й. Тугаши: «11» август 2022 й.

Батафсил баёни

1	Нуқсон далолатнома, смета ҳужжатларига асосан Ағрон МФЙ ИЧКИ КУЧАСИГА ТУНГИ ЁРИТИШ ЧИРОҒИ ЎРНАТИШ
---	---

Алоҳида шартлар

1	Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши шарт, бажарилган иш мутахассислар томонидан текшириб олинади
---	---

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ:

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар яқунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан қамчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича тамонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ:

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ:

4.1. Буюртмачи;

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига рияз этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.1.1. Ишларни бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган “Ишлар” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “Ишлар” бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

4.1.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.2. ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ:

- савдоларда катнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.
- Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3. “ПУДРАТЧИ” ҚЎЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭҒА:

4.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

4.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, муस्ताқил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ўзаро ҳал этишга эришмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунларига асосан бевосита Иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР:

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қароридан кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР:

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ:

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларидан мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.

- 9.1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.
9.2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.
9.3. Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
«Ижрочи» «Буюртмачи»

"Nurobod Sam Invest Qurilish" МЧЖ

Нуробод туман ҳокимияти Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Самарканд вил. Нуробод т

Манзил Самарканд вил. Нуробод тумани Ёшлар кучаси

Тел./факс

х/в 20208000900893058001

Банк номи: **Халқ банки Нуробод филиали**

МФО: 00740 СТИР 305606618

ОКОНХ:

Тел.факс

х/в 301821860182357109501018003

Банк номи: Марказий Банк Тошкент

МФО 00014 СТИР 200779734

ОКОНХ 90211

Раҳбар



Б.Мингбаев.

Раҳбар



Х. Примов.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

X U L O S A

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: "Nurobod Sam Invest Qurilish" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida tuzilgan 194 000 000 so'mlik pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurobod tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 31.05.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy ekspertiza xulosasi olishlik uchun kiritilgan.

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tugrisida"gi Qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 01 iyun

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuriskonsulti



Sh.Shoropov